

**БАРКАМОЛ АВЛОД ТАРБИЯСИДА МУСИҚА МАДАНИЯТИНИНГ ЎРНИ****Усманова Шохиста Шавкат қизи**

Фарғона давлат университети, Санъатшунослик факультети

3-босқич талабаси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.6718132>

**Аннотация.** Мазкур мақолада Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт босқичида баркамол авлод тарбияси каби масъулиятли масалада мусиқа маданиятининг ўрни ва роли борасида фикр юритилган.

**Калим сўзлар:** маънавият, баркамол авлод, мусиқий маданият, илмий салоҳият, тарбия, ижтимоий ҳаёт, устоз-шогирд, вазифа, масъулият

**РОЛЬ МУЗЫКАЛЬНОЙ КУЛЬТУРЫ В ВОСПИТАНИИ ГАРМОНИЧНО  
РАЗВИТОГО ПОКОЛЕНИЯ**

**Аннотация.** В данной статье рассматриваются роль и место музыкальной культуры в таком ответственном вопросе, как воспитание гармонично развитого поколения в культурной жизни Нового Узбекистана.

**Ключевые слова:** духовность, гармонично развитое поколение, музыкальная культура, научный потенциал, образование, общественная жизнь, учитель-ученик, задача, ответственность.

**THE ROLE OF MUSICAL CULTURE IN EDUCATION OF A  
HARMONIOUSLY DEVELOPED GENERATION**

**Abstract.** This article discusses the role and place of musical culture in such a responsible issue as the upbringing of a harmoniously developed generation in the cultural life of New Uzbekistan.

**Keywords:** spirituality, harmoniously developed generation, musical culture, scientific potential, education, social life, teacher-student, task, responsibility

**INTRODUCTION**

Буюк мустабиллигимиз йил сайин олға кадамлар билан одимлаб бораётган бир даврда ёшларнинг маънавий тарбиясини аниқ мақсадлар сари йўналтириш, баркамол авлодни ҳар томонлама етук инсон қилиб тарбиялаш бугунги куннинг долзарб вазифаси эканлиги барчамизга аён дир.

Бу борада маданият ва санъатнинг ўрни алоҳида аҳамиятга молик бўлиб, айниқса мусиқа санъатининг ёшлар онгига таъсирини тўғри баҳолашни тақозо этмоқда. Шу ўринда мухтарам Президентимиз Шавкат Миромонович Мирзиёевнинг қуйидаги сўзларини келтириш мумкин: ”Халқимиз маънавий савиясини ошириш, ёш авлодни юксак инсоний ғоялар ва содоқат руҳида тарбиялаш, миллий ва умуминсоний қадриятлар асосида камол топтиришда миллий санъатимизнинг ўрни бекиёс дир”[1].

Мамлакатимиз президентининг таълим тизимининг ривожлантириш борасида давлат микёсида эътибор берилиши кераклиги уз ифодасини топмоқда. Фарғона давлат университети бу борада ўзига ҳос анъанага эга бўлиб, талаба —ёшларни маънавий тарбиясида бош омиллардан саналмиш мусиқа ва маданият соҳасида ҳам етарли билим ва кўникмаларга эга олийгоҳ саналади.

**MATERIALS AND METHODS**

1970 йилдан бугунги кунгача 50 йил давомида бу даргоҳда минглаб мусиқа ва санъат соҳасидаги мутахассислар етишиб чиқиб маданиятимизнинг турли соҳаларида меҳнат қилмоқдалар. Шу давр мобайнида юздан ортиқ профессор-ўқитувчилар турли даврларда ўзларининг билимларини ёшлар онгига сингдиришда тинмай меҳнат қилдилар. Ўзбекистон халқ артисти фахрий профессор Таваккал Қодиров, педагогика фанлари доктори, профессор Алижон Хасанов, фан номзодлари, доцентлар Саиджон Дадажонов, Валижон, Халилов, Аъзамжон Умаров, Имяминжон Киргизов, Зоя Кондратенько, Хасанбой Рахматуллаев, Муталибжон Қамбаров, Анваржон Ғаниев сингари профессор-ўқитувчилар шулар жумласидандир[2,15]. Ўзбек маданияти ва санъати факультети номи билан узок йиллар давомида бағридан етук санъаткорларни, халқ ижодиёти вакилларини, тасвирий санъат усталарини етиштириб чиқарди.

Ўткан кунлар давомида давр тақозоси билан қатор мутахассисликларга талабалар қабул қилинмади. Бу жамиятимизнинг маънавий, тарбиявий соҳасига бироз бўлсада ўз салбий таъсирини кўрсатди.

### RESULTS

Мухтарам Президентимизнинг олий таълим тизимининг ривожлантириш борасида қабул қилинган қарорлари асосида, беш ташаббуснинг бирида ёшларни санъатга ошно қилиш муҳимлигини эътиборга олган ҳолда 2018-2019 ўқув йилидан мусикий таълим йўналиши қайтадан тикланди. Бугунги кунда бу йўналишда кундузги, сиртки, махсус сиртки, магистратура йўналишида 800 дан ортиқ талабалар билим олмақдалар. Мусиқа таълими кафедрасида мусиқа таълими, вокал санъати, халқ чолгулари, маданият ва санъатни бошқариш ва ташкиллаш мутахассисликлари бўйича 40 дан ортиқ профессор ўқитувчилар талабаларга сабоқ бермоқдалар. Бугунги кунда аъёнларни давом эттирган ҳолда мусиқа фани ўқитувчиларни тайёрлашда янги алоҳида алоҳида эътибор беришликни тақозо қилмоқда. Мусиқа таълим йўналишида сабоқ олаётган талабалар умумтаълим мактабларида дарс бериш малакасига эга бўладилар. Албатта шу ўринда талабаларни қандай тайёрлаш, уларнинг бугунги замонавий фан дастурлари ва амалий машғулотлари орқали дарсларни янги педагогик технологиялар асосида олиб бориш муҳимдир. Бу борада уларга сабоқ бераётган фан ўқитувчилари ўзларини ҳар бир ўтаётган дарсларига тайёргарлик муҳим аҳамият касб этади. Шунинг назарда тутиб мусиқа йўналишига қабул қилинган янги ўқитувчилар олдига муҳим вазифалар юкланиши табиийдир. Ҳар бир ўқитувчи ўз дарсига алоҳида тайёргарлик кўриш, инновацион тарзда амалий машғулотларни ўтказиш, лаборатория ҳамда яқка тартибдаги дарсларга янги алоҳида алоҳида орқали бу вазифаларни бажаришни олдиларига мақсад қилиб олиши зарурлиги таъкидлади. Ҳаёт тақозоси билан ўхирги ўтган йилги дарслар пандемия шароитида масофавий тизимга ўтказилди. Бу тизим бизга янгилик бўлганлиги сабабли ўқитувчиларимиз ва талабаларимизга таълим жараёнини ўзлаштиришда айрим муаммолар келтириб чиқарди. Лекин маълум ижобий натижаларга ҳам эришилди. Бу ишни давом эттирган ҳолда бу тизимга яқинроқ янги алоҳида алоҳида талаб этилади.

### CONCLUSION

Мухтарам Президентимизнинг олий таълим муассасалари олдига қўйган вазифалардан келиб чиқиб, шундай хулоса чиқариш мумкинки, бугунги куннинг ўқитувчиси олиб борилаётган давлат сиёсатига лаббай деб жавоб бериши зарур. Аксинча

олий таълим тизимида ишлаш факатгина янгича ёндашиш оркали амалга ошириши зарурлигини тушунмаслик деб баҳоланади.

Юқорида қайд этилган фикрлардан келиб чиқиб, шуни таъкидлаш зарурки, мутахассис ўқитувчилар ўз фанларини ўқитишда албатта тинмай изланишлари ҳар бир маъруза, амалий лаборатория ва яқка тартибдаги машғулотларга замонавий педагогик методлар билан қуролланган ҳолда кириши асосий вазифа сифатида юклатилади. Шундагина мусиқа таълими соҳасини устувор йўналишларини тушунган ҳолда муаммоларни ўз вақтида ечилиш борасида ижобий натижалар бериши мумкин бўлади. Чунки таълим соҳасидаги ислохотлар маърифатли жамият гарови бўла олади ва баркамол авлод тарбиясига омил бўлиб хизмат қилади.

*Фойдаланилган адабиётлар:*

1. Ўзбекистон республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2017 йил 3 август зиёлилар билан учрашувдаги нуткидан.
2. Тасвирий санъат ва мусиқа фани ўқитувчиларини тайёрлашнинг долзарб муаммолари. 2019 йил октябр.
3. З. Буюк ипак йўлида фольклор санъатининг ривожланиш жараёнлари. 2019 йил. Халқаро анжуман материаллари.
4. Adiljanovna, A. M., Nurullaevna, N. M., Abdumalikovna, Y. D., Sharobidinovich, M. J., Abdujalil Abduvalio'g'li, A., & Behzod Asqaralio'g'li, T. (2021). Academic Yunus Rajabi and His Scientific Heritage. *Annals of the Romanian Society for Cell Biology*, 9092-9100.
5. Nurmhammado'vich, R. O., & Nurullaevna, N. M. (2021). Social And Spiritual Importance of Lessons of Musical Culture. *Journal of Pedagogical Inventions and Practices*, 2(2), 50-52.
6. Nasritdinova, M., & Khokimova, K. (2021, October). LANGUAGE IS THE MIRROR OF THE NATION. In *Archive of Conferences* (pp. 92-94).
4. Nurmamatovich, D. S. (2022). The Role of Modern Technologies in the Learning Process. *Journal of Ethics and Diversity in International Communication*, 1(8), 6-9.
7. Nurullayevna, N. M., & Muhlisa, T. (2021, December). SOME PROBLEMS AND SHORTCOMINGS IN THE HIGHER EDUCATION SYSTEM. In *Archive of Conferences* (pp. 61-62).
8. Sultonali Mannopov, A., Abdusalom Soliev, U., & Tokhir Shokirov, R. (2021). Development of Uzbek National Singing Art during Independence. *Annals of the Romanian Society for Cell Biology*, 6845-6853.
9. Ahrorova, R. U. (2021). SEMANTIC ANALYSIS OF PHRASEOLOGICAL UNITS REPRESENTING "YOUTH" IN FRENCH AND UZBEK LANGUAGES. *Theoretical & Applied Science*, (7), 122-126.
10. Akhrorova, R. (2022, April). LEXICAL-SEMANTIC EXPRESSION OF EARLY YOUTH/ JEUNESSE IN FRENCH. In *МЕЖДУНАРОДНЫЕ НАУЧНЫЕ КОНФЕРЕНЦИИ С ВЫСШИМИ УЧЕБНЫМИ ЗАВЕДЕНИЯМИ* (Vol. 2, No. 18.03, pp. 617-620).